

## Маддоҳликнинг офати



21:40 / 14.01.2019 3528

Маддоҳлик баъзи жойларда ман қилинган. Мадҳнинг ўзида олтига офат бор бўлиб, уларнинг тўрттаси мадҳ қилувчида, иккитаси мадҳ қилинувчидадир.

*Мадҳ қилувчидаги офатлар қуйидагилар:*

1. Мадҳда ҳаддан ошиб, ёлғон қўшиб юбориш.
2. Мадҳга риёкорликни аралаштириш. Мисол учун, мақтаётганда уни яхши кўришини айтади, аслида яхши кўрмайди. Ёки гапираётган гапи ўз эътиқодига тўғри келмайди. Шунинг ўзи риёкорликдир.
3. Маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин бўлган нарсани гапирди. Мисол учун, «Бу киши ўта тақводор, парҳезкор ва зоҳиддир», дейди.

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок қилдиларингиз ёки белини синдирдиларингиз», дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилишган.*

Ортиқча ва ноўрин мақтов маддоҳлик бўлади. Бу иш мақталган кишининг ўзидан кетишига ва ҳовлиқиб, бузилишига олиб боради. Ана шу тариқа у одам ҳалокатга учрайди ва одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун ҳам маддоҳлик қилишда эҳтиёт бўлиш лозим.

*Абу Бакра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши зикр қилинди. Бир одам унга яхши мақтов айтди.**

**Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир неча марта: «Шўринг қурсин! Соҳибингнинг бўйнини кесдинг! Агар бирингиз ноилож мадҳ айтадиган бўлсангиз, «Менимча, ундоқ, менимча, бундоқ», десин. Агар ана шундайлиги кўрилган бўлса, Аллоҳ унга етарлидир. Аллоҳга бировни поклаб кўрсатмасин», дедилар».**

*Учовлари ривоят қилишган.*

Бу ерда бировни юзига мақташ ҳақида, шу билан бирга, мақтовдан сўнг ўзидан кетиб, адашув йўлига кириши эҳтимоли бор кишилар ҳақида сўз кетмоқда. Ўринли ва адолатли мақтов жоиз. Баъзи жойларда эса кишиларни яхшиликка тарғиб қилиш учун ҳатто зарур ҳам.

4. Маदдоҳ золим ёки фосиқ одамни мақтаб, хурсанд қилади.

*Мақталган шахсдаги офатлар:*

1. Мақтов мақталган одамда кибр ва ўзини устун кўришига сабаб бўлиши мумкин.

2. Мақталган одам мақтовга учиб, ўзидан рози бўлиб, ҳимматини йўқотиши мумкин.

Мазкур олти офатдан холи бўлса, мадҳ жоиздир.

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Омирнинг элчилари келишди. Бас, улар:**

**«Сиз саййидимизсиз», дейишди.**

**«Саййид Аллоҳдир», дедилар у зот.**

**«Фазлда афзалимизсиз, ато(мол бериш)да каттаимизсиз», дейишди.**

**«Бу гапингизни ёки бу гапингизнинг баъзисини айтаверинг. Фақат шайтон сизларни тезлатиб юбормасин», дедилар».**

*Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Меъёрида ва ҳаддан ошмасдан мақтов сўзларини айтиш мумкинлиги шу ҳадиси шарифдан олинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини мадҳ қилганлари ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Суфён ибн Уяйна дейди: «Ўзини билган одамни мадҳ қилиш зарар қилмайди».

**«Бир киши келиб, Усмон розияллоҳу анҳуни юзларига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб, унинг юзига сочи ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг», деган эдилар», деди».**

*Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

Бундан маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш ҳам зурурлиги келиб чиқади. Бўлмаса, улар ўз маддоҳликларида ҳаддан ошиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб бораверадилар.

Бир киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг юзларига қараб туриб, маддоҳлик қилди. Али розияллоҳу анҳу аввал шу одам ўзларини ёмонлаб юрганини билар эдилар ва унга: «Мен сен айтганчалик эмасман. Аммо ичингда сақлаб турганингдан устунман», деди.

**«Руҳий тарбия» китобидан**